ORGANISATION OF ISLAMIC COOPERATION
RESEARCH CENTRE FOR ISLAMIC HISTORY, ART AND CULTURE

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИГИ ТАШКИЛОТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ, САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

UZBEKISTAN ACADEMY OF SCIENCES
AL-BIRUNI INSTITUTE OF ORIENTAL STUDIES

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Proceedings of the International Conference Dedicated to the Memory of Academician Ubaydulla Karimov

New Perspectives for the Study of Islamic Culture, History and Art in Uzbekistan

May 2021, Tashkent

Ўзбекистонда ислом маданияти, тарихи ва санъатини ўрганишнинг янги истиқболлари

мавзуидаги академик Убайдулла Каримов хотирасига бағишланган
2021 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган
халқаро конференция мақолалари тўплами

Istanbul 2021



OIC Organisation of Islamic Cooperation
IRCICA Research Centre for Islamic History, Art and Culture

Alemdar Cd., No 15, Bâbıâli Girişi
34110 Cağaloğlu, İstanbul, Türkiye
PHONE +90 212 402 00 00
FAX +90 212 258 4365
ircica. org
ircica@ircica. org

PROCEEDINGS OF THE INTERNATIONAL CONFERENCE DEDICATED TO THE MEMORY OF ACADEMICIAN UBAYDULLA KARIMOV
NEW PERSPECTIVES FOR THE STUDY OF ISLAMIC CULTURE, HISTORY AND ART IN UZBEKISTAN

SOURCES AND STUDIES ON THE HISTORY OF ISLAMIC CIVILISATION SERIES; NO. 50

© COPYRIGHT | IRCICA 2021
ISBN 978-92-9063-400-3
İSTANBUL 2021

CATALOGUING IN PUBLICATION DATA

New Perspectives for the Study of Islamic Culture, History and Art in Uzbekistan (2021: Tashkent, Uzbekistan)
Proceedings of the International Conference Dedicated to Memory of Academician Ubaydulla Karimov: New Perspectives for the Study of Islamic Culture, History and Art in Uzbekistan, May 2021: Tashkent=Ўзбекистонда ислом маданияти, тарихи ва санъатини ўрганишнинг янги истиқболлари мавзуидаги академик Убайдулла Каримов хотирасига бағишланган 2021 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференция мақолалари тўплами / edited by Mahmud Erol Kılıç and Bakhrom Abdukhalimov; prepared for publication by Ashirbek Muminov… [et al.].- Istanbul: Research Centre for Islamic History, Art and Culture, 2021.
758 p.: col. ill.; 25 cm.- (Sources and studies on the history of Islamic civilisation series; no. 50)
Includes bibliographical references.
Text in English, Uzbek, Turkish and Russian
ISBN 978-92-9063-400-3
1. Islam--Study and teaching--Congresses. 2. Uzbekistan--History--Congresses. 3. Islamic civilization--Uzbekistan--Congresses. 4. Karimov, Ubaydulla, 1920-1997--Congresses. I. Kılıç, Mahmud Erol, 1961- II. Abdukhalimov, Bakhrom. III. Muminov, Ashirbek. IV. Title. V. Series.
958.7--dc22

EDITED BY: Prof. Mahmud Erol Kılıç, Prof. Bakhrom Abdukhalimov
PREPARED FOR PUBLICATION BY: Prof. Surayyo Karimova, Khilola Nazirova, Prof. Ashirbek Muminov, Fatma Yekta İnci Zülfikar
BOOK DESIGN: Selahaddin Uygur
PRINTING AND BINDING: Optimum Basım

Мундарижа

КИРИШ **17**
ПРОФЕССОР МАҲМУД ЭРОЛ ҚИЛИЧ

ЎЗБЕК ШАРҚШУНОСЛИГИНИНГ ФАХРИ **19**
ПРОФЕССОР БАХРОМ АБДУРАҲИМОВИЧ АБДУҲАЛИМОВ

Summary
ХУЛОСА **25**

АКАДЕМИК УБАЙДУЛЛА ҚАРИМОВ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ШАРҚШУНОСЛИГИДАГИ ЎРНИ **27**
СУРАЙЁ УБАЙДУЛЛАЕВНА КАРИМОВА

БЎЛИМ I. ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК
“ЗИЖ”ЛАРНИНГ РОЛИ ВА УЛАРНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ **41**
БОТИРЖОН ҚОСИМОВИЧ АБДУЛЛАЕВ

ТУРКИСТОНДА НАШР ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАРДА ЎЛКА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ЁНДАШУВ (1918–1924 йиллар) **49**
ГУЛЧЕҲРА ЎРОЗАЛИЕВНА АБДУЛҲАЙ

ИЗ ИСТОРИИ УЧРЕЖДЕНИЯ ВЕТЕРИНАРНОЙ СЛУЖБЫ В ТУРКЕСТАНСКОМ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВЕ **59**
ХУШНУД АБДУЛЛАЕВИЧ АБДУРАСУЛОВ

ВОБКЕНТДАГИ “МИР ХУРД ВА МИР КАЛОН” МАДРАСАСИ ВАҚФНОМАЛАРИ **65**
МАҲФУЗА РАВШАНОВНА АБДУВАҲОБОВА

КОЛЛЕКЦИИ РЕДКИХ КНИГ И РУКОПИСЕЙ В КАЗАХСТАНЕ **71**
ГУЛЬШАТ МАСАЛИМОВНА АБИКОВА

ПОХОД АЛЕКСАНДРА БЕКОВИЧА-ЧЕРКАССКОГО В ТРУДАХ В. В. БАРТОЛЬДА **77**
ЖАМШИД ҲАСАН ЎҒЛИ АДИЛОВ

АКТИВНЫЕ ОПЕРАЦИИ МАРГЕЛАНСКОГО ОТДЕЛЕНИЯ РУССКО-АЗИАТСКОГО КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА **83**
БАХТИЁР АБДИХАКИМОВИЧ АЛИМДЖАНОВ

АКТИВНЫЕ ОПЕРАЦИИ ТАШКЕНТСКОГО ОТДЕЛЕНИЯ АЗОВСКО-ДОНСКОГО КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА **89**
БАХТИЁР АБДИХАКИМОВИЧ АЛИМДЖАНОВ, ШОХРУХ ХОЛТУРА УГЛИ ЧОРИЕВ

ИСТОКИ РОССИЙСКОЙ ПОЛИТИКИ В СРЕДНЕЙ АЗИИ **95**
АРТЕМ АЛЕКСЕЕВИЧ АНДРЕЕВ

MÂVERÂÜNNEHİR'İN İSLÂM MEDENİYETİNDEKİ YERİ VE ÖNEMİ **101**
OSMAN AYDINLI

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИНИНГ МУСУЛМОН МАКТАБ ВА МАДРАСАЛАРИГА ДОИР ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (1867-1917) **121**
МУҲАММАДЖОН САМАТОВИЧ АЗИМБАЕВ

ҚАДИМГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДА ИЛК СИЁСИЙ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР (Хитой манбалари асосида) **131**
ХУРШИД ҲАКИМОВИЧ АЗИМОВ

МУСУЛЬМАНСКИЕ НАДПИСИ ЮЖНОГО ИССЫК-КУЛЬЯ **137**
КАЙРАТ БЕЛЕК

БУХОРОДАГИ "ТАРИХИ АНЖУМАН" ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН **143**
АЪЗАМ ҲОМИДОВИЧ БОЛТАЕВ

ИБН СИНО АСАРЛАРИНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ ТАЖРИБАСИДАН (Туркия қўлёзма фондлари мисолида) **149**
АФТОНДИЛ С. ЭРКИНОВ, САИДАКБАР А. МУҲАММАДАМИНОВ

ЗУЛЛИСОНАЙН ШОИР-ҲУКМДОРЛАР СУЛТОН СУЛАЙМОН I ҲАМДА АМИР УМАРХОН ФАОЛИЯТИНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ **155**
САЛИМАХОН НИШОНБЕК ҚИЗИ ЭШОНОВА

О СИМВОЛАХ ВЛАСТИ ГОСУДАРСТВА НАДИР ШАХА АФШАРА **165**
НИГЯР РОВШАН ГЫЗЫ ГЕЗАЛОВА

БУХОРОДА ИСЛОҲОТЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИДА ТАТАР МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ **175**
ДИЛНОЗА МУЙИДИНОВНА ЖАМОЛОВА

ТИББИЙ АНТРОПОЛОГИЯДА ХАЛҚ ТАБОБАТИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ **183**
ХУРШИД СИРОЖИДДИНОВИЧ ЖУМАНАЗАРОВ

РАЗВИТИЕ ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИИ С РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИЕЙ В ПЕРИОД ТАНЗИМАТА (в 30-60-х гг. XIX в.) **191**
АЛМАЗ МУСАЕВНА ИСМАИЛОВА

БУХОРО АМИРЛИГИ ВАҚФ МУЛКЛАРИ ИЖАРАСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (1800-1920) **201**
НАРГИЗА АДҲАМОВНА ИСМАТОВА

"ПЕТЕРБУРГСКИЙ ЛИСТОК" HAMDA "МОСКОВСКИЙ ЛИСТОК" GAZETALARIDAGI TASVIRIY-FOTO ILLYUSTRATSIYALAR – DIPLOMATIK MUNOSABATLAR TARIXINI O'RGANISH MANBASI **209**
OYBEK ABDURASULEVICH KLICHEV

TŪ-JUÉ WÁNG Ā-YÉ (突厥王阿耶) – ОТЕЦ ТЮРКСКОГО ПРАВИТЕЛЯ ИЛИ ТЮРКСКИЙ ПРАВИТЕЛЬ А-Е? **215**
АНДРЕЙ ВИКТОРОВИЧ КУБАТИН, ФЕРУЗА ДЖУМАНАЗАРОВНА ДЖУМАНИЯЗОВА

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ЕВРОПА ВА АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ **223**
ШУҲРАТ ЁДГОРОВИЧ ҚУДРАТОВ

РОЛЬ И МЕСТО ИСЛАМА В ПОСТ-АТЕИСТИЧЕСКИХ ЦЕНТРАЛЬНО-АЗИАТСКИХ ГОСУДАРСТВАХ **229**
НАЗИРА УМАРОВНА КУРБАНОВА

İSLÂM MEDENİYETİNİN İNŞASINA GİDEN YOLDA BUHARA **239**
HASAN KURT

КУЛЬТУРА ЭПОХИ ЗОЛОТОЙ ОРДЫ (1226-1502) **243**
АЙБОЛАТ КАЙРИСЛЯМОВИЧ КУШКУМБАЕВ

РОЛЬ МУСУЛЬМАНСКОГО ДУХОВЕНСТВА В СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ СРЕДНЕАЗИАТСКОГО ОБЩЕСТВА КОНЦА XIX – НАЧАЛА XX ВЕКА **253**
НАДИРА РАХМАНОВНА МАХКАМОВА

SHOHRUX DAVRIDA SHAKLLANGAN TARIXIY ASARLARNI BEZASH SAN'ATIDAN BIR O'RNAK: KULLIYOT-I TARIXIY **263**
GULZODA MAKHMUDJONQIZI MAKHMUDJONOVA

"ЗУБДАТУ-Т-ТАВОРИХ" ВА "ШАЖАРА-ЙИ ХОРАЗМШОҲИЙ" АСАРЛАРИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ **269**
ҲИЛОЛА БАҲОДИРОВНА НАЗИРОВА

BUHARA'DA İSLÂM DÖNEMİ MİMARİSİ **279**
ARAS NEFTÇI

АРАБОГРАФИЧЕСКОЕ КНИГОПЕЧАТАНИЕ В МУСУЛЬМАНСКИХ РЕГИОНАХ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА (тематический обзор) **283**
МИЛЕНА НУРИЕВНА ОСМАНОВА

НАЛОГОВАЯ ПОЛИТИКА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В ТУРКЕСТАНЕ В ПЕРИОД К.П. ФОН КАУФМАНА **293**
ДИЛШОД СУННАТУЛЛА ЎҒЛИ ПИРМАТОВ

ИСТОРИОГРАФИЯ СРЕДНЕАЗИАТСКО-ОСМАНСКИХ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ В XVI–XVIII ВЕКАХ **301**
ФАРРУХ АБДУМЎМИНОВИЧ РАЗАКОВ

ЗАҲИРИДДИН БОБУР САЛТАНАТИДА ЗАРБ ҚИЛИНГАН ТАНГАЛАР ХУСУСИДА **309**
АЗИЗЖОН АЗИМОВИЧ ШАРИПОВ

ИСЛАМИЗАЦИЯ ЧАГАТАЙСКОГО УЛУСА КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР УКРЕПЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ В КОЧЕВОЙ СТЕПИ **315**
ТОҲИР СУННАТ ЎҒЛИ ШОКИРОВ

XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ БОЙЛАРНИНГ ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК ИШЛАРИ ХУСУСИДА **323**
ЁҚУБЖОН РАФИҚОВИЧ ТАЙРОНОВ

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОННИНГ ПОРТРЕТЛАРИ **331**
ДОСТОНЖОН БЕКНАЗАР ЎҒЛИ ТОЖИЕВ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ “МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ” АСАРИ ШАРҲЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ **343**
ИРОДА АМАНУЛЛАЕВНА УМАРОВА

“РАШАҲОТ АЙНУ-Л-ҲАЁТ” АСАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ВА ТОШБОСМАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ **349**
БАҲРИДДИН САФАРОВИЧ УМУРЗОҚОВ

БЎЛИМ II. ИСЛОМШУНОСЛИК
STATE POLICY OF THE SOVIET GOVERNMENT IN THE RELIGIOUS SPHERE IN KYRGYZSTAN IN THE 1920-1930s **359**
ZUKHRA AMERAKULOVNA ALTYMYSHOVA

ШАМСИДДИН МУҲАММАД КЎҲИСТОНИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ **369**
ҲАМИДУЛЛА АБДИРАҲИМОВИЧ АМИНОВ

В. Л. ВЯТКИН ТАДҚИҚОТЛАРИДА ХОЖА АҲРОР ФАОЛИЯТИНИНГ ЁРИТИЛИШИГА ДОИР **377**
МИРЗАБАХРОМ АБДУҚАҲҲОРОВИЧ БОТИРОВ

ФАХР АЛ-ИСЛОМ АЛ-ПАЗДАВИЙ ВА УНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ **383**
САИДАҲМАДХОН САМАТХОНОВИЧ ҒАЙБУЛЛАЕВ

XORAZMLI KUBRAVIY SHAYX: KAMOL AD-DIN HUSAYN AL-XORAZMIY VA UNING MAVLONONING “MASNAVIY”SIGA SHARHI **391**
SÜLEYMAN GÖKBULUT

МАТЕРИАЛЫ ПЕРЕПИСКИ А. Н. САМОЙЛОВИЧА КАК ИСТОЧНИК ПО “МУСУЛЬМАНСКОЙ СУБЪЕКТИВНОСТИ” **397**
АНТОН РОБЕРТОВИЧ ИХСАНОВ

ТАҚИЮДДИН ИБН АБДУЛҚОДИР ҲАНАФИЙ ВА УНИНГ “ТАБОҚОТ АС-САНИЙЙА” АСАРИ **409**
МАДИНА ТЎРАБОЙ ҚИЗИ ЖЎРАЕВА

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА ИСЛОМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ **415**
ГЎЗАЛ ШУҲРАТ ҚИЗИ КАДИРОВА

ИСБИДЖАБСКИЙ ПРАВОВЕД И ЕГО ПРОИЗВЕДЕНИЕ **425**
НУРЛАН ЕВФРАТОВИЧ КАЙРБЕКОВ

ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПЕРЕВОДА КОРАНА И ТАФСИРА ТАРАЗИ – ОТ АНАЛИЗА ТЕКСТА К ИСТОРИИ ЕГО БЫТОВАНИЯ **439**
ФИЛИПП РОМАНОВИЧ ХУСНУТДИНОВ

ДЕРБЕНТ – РАННЕ-СРЕДНЕВЕКОВЫЙ ИСЛАМСКИЙ ЦЕНТР КАВКАЗА **449**
ШАРАФЕТДИН АРИФОВИЧ МАГАРАМОВ

“КАШФ АЗ-ЗУНУН” АСАРИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК ОЛИМЛАР ҲАҚИДА **459**
ДИЛЁРА ШАВКАТОВНА МАҲКАМОВА

ЦЕХОВЫЕ ОРГАНИЗАЦИИ РЕМЕСЛЕННИКОВ В РАБОТЕ АЛ-ИСБИДЖАБИ **467**
БАГДАТ МАХАНОВИЧ МАНАБАЕВ

FARG’ONA VODIYSIDAGI KARASKAN SAYYIDLARI BIOGRAFIYALARINI TIKLASH **473**
MAFTUNA MURODILLAQIZI MIRZAYEVA

ДЖУНГИ КАК ВАЖНЫЕ ИСТОЧНИКИ ПО ИЗУЧЕНИЮ ИСТОРИИ ПРАВА В КОКАНДСКОМ ХАНСТВЕ **481**
САИДАКБАР АБДУРАШИДОВИЧ МУХАММАДАМИНОВ

АБУ-Л-БАРАКОТ АН-НАСАФИЙНИНГ “АЛ-МУСТАСФО” АСАРИ – ҲАНАФИЙ ФИҚҲИГА ОИД МАНБА **487**
БЕКЗОДБЕК МУРОДЖОН ЎҒЛИ МУХТАРОВ

ПИСЬМЕННОЕ НАСЛЕДИЕ УЧЕНЫХ БУХАРЫ **493**
АШИРБЕК КУРБАНОВИЧ МУМИНОВ

ХОРИЖ ТАРИХШУНОСЛИГИДА БОБО КАМОЛ ЖАНДИЙ ШАХСИЯТИ **499**
ХУРШИДА БАҲОДИРОВНА НАЗИРОВА

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ АҚИДАВИЙ МАСАЛАЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ВА ДАЛИЛЛАШ УСЛУБИ **507**
ЎКТАМ БАЗАРБАЕВИЧ ПАЛВАНОВ

O’RTA OSIYODA SUFISMNING PAYDO BO’LISH SHARTLARI **519**
KAMILJAN RAHMATOVICH RAHIMOV

ИБН МУҚАФФАНИНГ “АЛ-АДАБ АЛ-КАБИР” АСАРИДАГИ ҲУКМДОРЛИК ОДОБИГА ОИД ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ **529**
САРВАР АТАБУЛЛО ЎҒЛИ САИДОВ

ТАТАРСКИЙ БОГОСЛОВ ХАСАН ПОНОМАРЕВ И ЕГО ОКРУЖЕНИЕ: ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНАЯ БИОГРАФИЯ В КОНТЕКСТЕ КУЛЬТУРНЫХ И ПОЛИТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ КОНЦА XIX – ПЕРВОЙ ТРЕТИ XX ВВ. **535**
ПАВЕЛ СЕРГЕЕВИЧ ШАБЛЕЙ

‘ANBAR ĀNĀ QIYOFALARI: MUQADDAS AYOL HAQIDAGI ASRLAR OSHA YETIB KELGAN HIKOYATLAR **541**
AZIZA ABDUMALIKOVNA SHANAZAROVA

ХИВА ХОНЛИГИ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ЭКСПЛИКАЦИОН МАТНЛАР ТАҲЛИЛИ **555**
МАФТУНА БАҲОДИР ҚИЗИ ШОКАМОЛОВА

ҚУРТУБА ШАҲРИНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ **561**
ОЙБЕК ХАЙРУЛЛО ЎҒЛИ СОТВОЛДИЕВ

ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ДУНЁВИЙЛИК ВА ДИНИЙЛИК: АУТЕНТИК ЁНДОШУВ (Мирзо Улуғбек ва Али Қушчи мисолида) **567**
ЖАҲОНГИР АБДУВОҲИД ЎҒЛИ ТОҲИРОВ

İSLÂM DÜNYASINDA SONRAKİ NESİLLERİN GÖZÜNDE HOCA BAHÂEDDİN NAKŞBEND **579**
NECDET TOSUN

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “РАБИЪ УЛ-АБРОР” АСАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР **591**
ЛАЗИЗ АБДИВАЛИ ЎҒЛИ ТЎРАЕВ

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АТ-ТАРИХ АЛ-КАБИР” АСАРИДА САҲОБИЙЛАРГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИНГ БАЁН ЭТИЛИШИ **597**
НЎЪМОНЖОН НАСИБЖОНОВИЧ ТЎРАЕВ

БЎЛИМ III. ФИЛОЛОГИЯ

“HUSN-U DIL” DOSTONIDA KITOBAT SAN’ATINING O‘RNI **605**
OLMOSXON ILHOMJONQIZI ABDURAHMONOVA

АБУ ЯЪҚУБ САККОКИЙНИНГ “FA‘ĀLI” ҚОЛИПИ ҲАҚИДАГИ ЎЗГАЧА ҚАРАШЛАРИ ХУСУСИДА **611**
АКМАЛХОН АҲМАД ЎҒЛИ АКМАЛХОНОВ

“ТАЗКИРАИ МАЖЗУБ” – МАНОҚИБ ЖАНРИДАГИ МАНБА **619**
НАИМА ХОЛБЕКОВНА АЛИҚУЛОВА

НАВОИЙ ШАРАФЛАГАН САЙЙИД АСИЛ КИМ ЭДИ? **627**
РУСТАМЖОН МАДИЕВИЧ ДЖАББОРОВ

“ТЕРМА ДЕВОН” ЁКИ НАВОИЙ “НАВОДИР УН-НИҲОЯ”СИНИНГ СЎНГГИ РЕДАКЦИЯСИ? **637**
АФТОНДИЛ САДИРХОНОВИЧ ЭРКИНОВ, ОЙСАРА РУСТАМОВНА МАДАЛИЕВА

ҚУЛ СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙ БИОГРАФИЯСИНИ ЎРГАНИШ **673**
МАРЯМ МАЛИКОВНА ЭШМУҲАММЕДОВА

“ҲАДОЙИҚ УС-СЕҲР” ВА “ФУНУН УЛ-БАЛОҒА” АСАРЛАРИДАГИ АДАБИЙ САНЪАТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ **679**
ЗУҲРА ОБИДХОН ҚИЗИ ҚОДИРОВА

XIV АСРДА ИЖОД ҚИЛГАН ОТА-БОЛА ФИЛОЛОГЛАР **685**
АКРАМ ТАИРОВИЧ ҲАБИБУЛЛАЕВ

XIX АСР ХОРАЗМ АДАБИЙ МУҲИТИ РУС АКАДЕМИГИ А. Н. САМОЙЛОВИЧ НИГОҲИДА **691**
ГУЛНОЗ ИСКАНДАРОВНА ХАЛЛИЕВА

“LUG’OTI SALOS” – TA’LIM TADQIQOTLARI UCHUN MUHIM MANBA SIFATIDA **697**
ODINAXON OYBEKQIZI MUMINOVA

ЗАМОНАВИЙ АРАБ ВА ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИДА “ЮСУФНОМА” МАВЗУСИ (Иброҳим Аслон, Закария Тамер ва Улуғбек Ҳамдам, Исожон Султон ҳикоялари мисолида) **703**
ДИЛАФРУЗ ЗОҲРИДДИНОВНА МУХИДДИНОВА

“ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК”ДАГИ ШЕЪРЛАРДА ТАШБИҲ САНЪАТИ **711**
ГАВҲАР ОМОНОВНА РАҲМАТОВА

“КАНЗ УЛ-КУТТАБ” ТАЗКИРАСИДАГИ *РАСАИЛ* ЖАНРИ НАМУНАЛАРИ **717**
ҲУЛКАР МЎМИНЖОНОВНА СУЛАЙМОНОВА

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ БИТИГЛАРДАГИ ФОРМУЛЯРЛАР ВА СТЕРЕОТИП БИРЛИКЛАР **723**
ШАҲНОЗА АБДУМАЖИДОВНА ТЎЛАГОНОВА

ОСОБЕННОСТИ АРАБСКОГО ЯЗЫКА В СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЯХ **729**
НОДИРАХОН ИСАМАТОВНА УМАРОВА

Авторлар **735**
Иллюстрациялар **743**

IMAGES OF MUHAMMAD SHAYBANI-KHAN BASED ON HISTORICAL SOURCES

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОННИНГ ПОРТРЕТЛАРИ

Dostonjon Beknazar o'g'li Tojiev[1]
Достонжон Бекназар ўғли Тожиев[2]

The data on the military-political activities of Muhammad Shaybani-khan is analyzed on the basis of sources. The definitions and opinions are given there in relation to this historical person. They speak about the extent to which he operated in his lifetime. The biography, political and military activity of the founder of the state of the Shaybanids is described based on the major historical sources written by dynastic historians. Muhammad Shaybani-khan tried to unite Mawarannahr and Khurasan in order to create a centralized state in the Medieval Ages, but failed in his efforts to do so.

In describing the political portrait of Shaybani-khan, it is possible to paint a more detailed picture of his life in his youth, the policy he pursued during the seizure of power, his military activity, his leadership in the army, his military operations against the Timurid princes, and most importantly, his political work in the formation of a centralized state.

"Тақдирнинг иноятн билан ҳукмдорлик қиладиган киши осонлик билан катта кучга эга бўлади, аммо уни ўз бошқарув салоҳиятига қараб тўғри йўналтириши ёки янада мураккаблаштириши мумкин" [1: 11].

Темурийлар давлати парокандаликка юз тутиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларида бош-бошдоқлик, сиёсий инқироз чуқурлашган бир вақтда сиёсий майдонга янги бир шахс, темурий шаҳзодалардан тажриба борасида устунроқ Муҳаммад Шайбонийхон чиқиб келди. Шайбонийхоннинг тарафдорлари кўпайишига, Мовароуннаҳрда маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишига ўша вақтдаги оғир сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт сабаб бўлган. Халқ оғир иқтисодий муаммолар ва

1 National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulughbek, Faculty of History, 2nd Year Undergraduate Student

2 Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тарих факультети, II курс магистранти

тўхтовсиз давом этиб келаётган тахт талашувлари сабаб темурийларнинг ҳар қандай бошқарувдаги ворисига нисбатан ишончни йўқотган эдилар. Фақатгина Андижондаги шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобурга нисбатан ишонч бор эди. Бироқ кейинги воқеалар ривожи тарихни бошқа йўналишга буриб юборди. Бундай вақтда мавжуд вазиятни теран англаган, кенг мушоҳада қилган ҳамда тарқоқлик сабаб кучсизланган рақибларига қарши Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбеклар қавми ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборишган эди.

Дашти Қипчоқда шу вақтга қадар яшаб келган ва ўзларини ўзбеклар деб атаган қабилалар кенг миқёсда, катта ҳудудларга ёйилган эдилар. Улар ўз вақтида Жанубий Уралда, Тюменда, Тоболь, Иртиш, Ёйиқ ҳавзаларида ўз давлатларини шакллантирдилари [2: 30]. Булардан бири Барақхон (1425–1428) бошчилигидаги қозоқ давлати бўлса, яна бири Абулхайрхоннинг (1428–1468) Сибирдан то Сирдарёга қадар чўзилган, бироқ қисқа яшаб парчаланган Ўзбек улуси эди. Абулхайрхон Дашти Қипчоқдаги Ўзбеклар давлатининг хони, Шайбонийхоннинг бобоси бўлиб, ўз вақтида темурий Абусаид Мирзога Мовароуннаҳр тахтини эгаллашида катта ёрдам берган эди.

Ўзбеклар хони Абулхайрхоннинг набираси бўлган Шайбонийхон ёшлигидан ҳокимиятни қўлга киритишга интилди. Бунинг боиси, бобосининг вафотидан сўнг бу давлатнинг узоқ яшамагани бўлса, яна бири Бухорода яшаган йилларида темурийларнинг аҳволи, ўзаро алоқалари, қўшини ва ҳарбий фаолиятларини батафсил ўрганганлигидир.

Абулхайрхоннинг вафоти у тузган давлатнинг тез суръатларда парчаланиб кетишига, қабилавий бўйсунмасликларнинг ортишига олиб келгач, ўзбекларнинг асосий ишончу эътибори ёш шаҳзода Муҳаммад Шайбонийхонга қаратилди. Зероки, уларнинг ўша вақтда бошқа умид билдирадиган инсонлари Дашти Қипчоқнинг ҳеч бир бурчагида мавжуд эмасди; борлари ҳам деярли бошқарув салоҳиятига эга инсонлар эмасди. Шайбонийхонда эса тақдир юқтирган истеъдод порлаганди, гўё.

Болаликдан лақаб бўлган Шоҳбахт номи сабаб ўзининг ёшлигига қарамасдан истиқбол учун, келажак учун порлоқ умидларни туғдирган эди. Бу умидлар якуни барча тарқоқ кўчманчилар хоҳлагандек тугади. Аммо орада бир қанча синовлар, тўсиқларни енгиб ўтиш мушкулоти бор эди ва улар ҳам тўла ечилди. Шайбонийхон ўзининг кучли салоҳияти ва ҳарбий тажрибаси сабабидан ҳам яқин ўтмишда ҳар тарафга сочилган ўзбек қавмларини нафақат атрофига йиға олди, балким, кейинги порлоқ ғалабалар, зафарли одимлар учун дадил етаклай олди ҳам.

Отаси Шоҳбудоқ султоннинг эрта вафоти сабаб Шайбонийхон ва иниси Маҳмуд Султоннинг муҳофазаси Абулхайрхон тайинлаган шахс Қарочин Баҳодир Қушчи қўлида қолади. Таҳликали вақтларда шаҳзодаларнинг

ҳаётини сақлаб қолиш масъулиятини Қушчи тўла амалга оширган. Дастлаб уларни амакиси Шайх Ҳайдархон ёнига етказади. Шайх Ҳайдархон Абулхайрхоннинг қўнғирот қавмидан бўлган хотинидан тўғилган фарзанди бўлиб, умумий ҳисобда бешинчи ўғли бўлган. Абулхайрхон вафотидан кейин Шайх Ҳайдархон тахтга ворис сифатида кўрилган. Бироқ тўқнашувлардан бирида ҳалок бўлган. Сўнгра Қутлуғхон ўғли Қосимхон ҳузурига йўл олишган [3: 28-29]. Тинимсиз қувғинга йўлиқиш, ҳар қўнган шаҳаридан тезда ҳалокатга учрамаслик учун қочиш даврлари айни шу дамларда юзага келди. Бу вазиятда ёш меросхўрнинг унга содиқ қолган саноқли кишилардан ололган ёрдами фақатгина сабр тилаш, ҳамдардлик ва келажакка ишонч билдиришлари бўлди, холос. Бу эса ёш шаҳзодага фақатгина ўзи, ўзини тахтга олиб чиқувчи шахс эканлигини тушунишига йўлланма бўлди.

Муҳаммад Шайбонийхон ибн Шоҳбудоғ Султон ибн Абулхайрхоннинг исми ёки тахаллуслари хусусида манбаларда турли хил маълумотлар учрайди. Унинг кўплаб тахаллуслари ҳам келтириб ўтилгани беъжиз эмас. Зеро, ўрта асрларда шеърият билан шуғулланган инсонларнинг бир нечта ном ва тахаллуслари бўлган. Жумладан, “Шажараи турк”да келтирилишича “... Улуғ ўғлининг оти Муҳаммад, лақаби Шоҳбахт. Ўзи шоир эрди. Шайбанханнинг наслиндин бўлған учун ўзига Шайбоний тахаллус қилиб эрди” [4: 113]. Ушбу манбада Шайбонийхон ҳақида қисқа тўхталиниб, унинг шоир бўлганлиги, шеърият билан ҳам шуғулланганлиги эслатилади. “Шажараи турк”да Шайбонийхон тахаллус сифатида олингани айтилса, бошқа манбаларда эса (“Абдулланома”да) “... фирдавсмакон хон Шайбонийхон Абулхайрхоннинг ҳукмронлиги замонида саккиз юз эллик бешинчи йилда (1451 йил) Олтинхон наслидан (бўлган) Оққўзи бегимдан (Цзин сулоласидан бўлган Хитой императорларининг барчаси Олтинхон аталган. Шайбонийхоннинг онаси Оққўзи бегим Есуго баҳодир ва Чингизхон билан замондош бўлган император Ши-Цзуннинг авлодидан) туғилди. Абулхайрхон унга Султон Муҳаммад Шайбон деб ном қўйди ва Шоҳбахт деб лақаб берди” [5: 100], – яъни, исм сифатида тилга олинади. Болалигида эса бўлажак ҳукмдорни Муҳаммад Шоҳ Бахт деган ном билан аташганлиги ҳам манбаларда келтирилган [6]. Шайбонийхонни болалигида Шоҳбахт, Шоҳибек дея аталиши ва асл номи унга бобокалони Шайбон шарафига мерос ўтгани ҳам шундандир [7: 13]. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағоннинг “Мусаххир ал-билод” номли тарихий китобида унга Муҳаммадхон Шайбоний [3] дея мурожаат қилинган. Мирзо Бобурнинг холаваччаси бўлган тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ўзининг “Тарихи Рашидий” китобида Шайбонийхонни “Шоҳибекхон” исми билан тилга олади. Китобининг етмиш еттинчи фаслини “Ва яна Шоҳибекхоннинг аҳволларининг зикри” [8: 232] деб номлаган [“Тарихи Рашидий”нинг яна бар

қанча фаслларида Шайбонийхоннинг сиёсий ва ҳарбий фаолиятига доир маълумотлар берилган. Жумладан, 73-фасл (224-бет), 77-фасл (232-бет), 80-фасл (262-бет), 99-фасл (301-бет), 100-фасл (302-бет), 106-фасл (323-бет), 107-фасл (325-бет)]. Сиёсий-ҳарбий фаолияти ортидан у, Шайбонийхон номи билан душманлари қалбига қўрқув солган, якунда олий ҳукмдор сифатида тахтга ўтирган.

Шайбонийхоннинг саркардалик салоҳияти эрта намоён бўлиб, вақт синовларида янада тобланиб борди. Ҳарбий санъат шу қадар катта кучга эгаки, у нафақат ҳукмдор бўлиб туғилган одамга ҳокимиятни қўлда тутиб туришга, балки оддий одамнинг ҳам тахтга ўтиришига имкон беради [1: 81]. Дастлабки саркардалик иши укаси билан бирга Ҳожи Тархон (Аштархон – ҳозирги Астрахань шаҳри бўлиб, бу пайтларда Аштархонда кўчманчи ўзбеклар ҳукмрон эди) қалъасида қуршовда қолиб кетган пайтида илк бора синовдан ўтди. Икки ёш шаҳзодани қалъадан яширинча олиб чиқиб кетиш орқали уларни жиддий хавфдан сақлаб қолишга қарор қилинади. Бироқ Шайбонийхон бу таклифни қатъий рад этган. Ёш шаҳзода ўзининг қирқ нафар кишиси билан қалъадан чиқиб, душман лашкарига шабихун (душманга кечаси тўсатдан ҳамла қилиш) уриб, қайси тараф қулай бўлса, шу йўл орқали бошқа манзилга кетишни лозим кўради. Манбага кўра, Аштархондаги ўша тунда Шайбонийхон мулозимларининг сусткашлиги ва эҳтиёткорлигига: “Ким давлатга эришмоқчи бўлса, Аллоҳга таваккал қилсин, Худо пешонага нима ёзса, ўша бўлади” [3; 30], қабилидаги шеъри билан жиддий таъсир ўтказган. Ярим тунда эса душман устига чопқин қилиниб, ишончли ғалаба қўлга киритилган. Муаллиф ўз китобида ушбу ҳамлани тенгсиз жангга, ёш шаҳзодани эса Рустами достон ва Соми Наримондан (“Шоҳнома” асари қаҳрамонлари) ҳам юқори поғонага кўтаради. Бу ғалаба ёш шаҳзоданинг бошланиб келаётган сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу билан бирга Шайбонийхоннинг шоирлик истеъдоди унинг шеърий нутқи сабаб сайқаллана борганини эътироф этиш лозим.

Бу жиддий қарор унинг ҳарбий фаолиятидаги биринчиси эди. Айнан шундай ҳолатлар Шайбонийхон ҳарбий юришларининг бир қанчасида қўлланган. Шайбонийхон маишатга берилган, ҳарбий санъат ва қўшин жиҳатдан аллақачон парокандаликка юз тутган темурийзодаларни мағлуб этишда ўзининг машҳур “тўлғама” (жанг вақтида рақиб кучларини қанотлардан айланиб ўтиш, ён ва орқа томондан зарба бериш) жанг усулини қўллаган. Мовароуннаҳр ва Хуросон юришларида бир неча бор Шайбонийхон қалъаларни олиш, мудофаани ёриб ўтиш ва рақибни тўла мағлуб этиш учун тезликда ҳужум қилишга қарор қилар ва уларни таҳликага соларди. Бундай усулларнинг кўпи якунда зафарли тугаган. Бироқ, Шоҳ Исмоил билан Марв яқинида бўлган сўнгги жанг Шайбонийхоннинг

мағлубияти ва шу қаторда ҳалокати билан ҳам тугаган. Манбалардаги фикрлардан хулоса қилсак, умрининг охирларида Шайбонийхон анчайин такаббурлик билан Сафавийларни менсимаган, ўз кучига ортиқ даражада ишониб, ёрдамчи кучлар билан бирлашишга интилмаган. Бошқа шайбонийзодалар эса бу мағлубиятдан ўзларига хулоса ясаб, Эрон сафавийлари билан қайта тўқнашмаслик чорасини кўрганлар. Шу воқеалардан кейин, Хуросон Шайбонийлар давлати таркибидан тўла чиқиб кетиши оқибатида Мовароуннаҳр ва Хуросонни боғлаб турган қадимий анъаналар йўли ҳам айрилиб қолган.

Шайбонийхон ёшлигидан илмга чанқоқ, ислом динига оид кўплаб билимларни қунт билан эгаллашга интилган. Ҳокимиятдан айро бўлиб, яшаш шароити ҳам ўртача бўлган даврда бўлажак ҳукмдор асосий вақтини илм-фанга, ислом таълимотини чуқурроқ эгаллашга қаратган. Унинг "қозоқлик" (XV–XVI асрларда ҳокимият учун курашда мағлубиятга учраб, ўз эл-юртидан ажраб, бошқа ерларда юрган шаҳзодалар "қозоқ", уларнинг шундай юриш-турмуши эса "қозоқлик" деб аталган) йиллари ҳам беҳуда ўтмаган. Ўз вақтида Бухорода таълим олган Шайбонийхон тожу тахтдан йироқ дамларини шеърият билан бирга ўтказгани ҳам маълум. Бу эса унинг ўз даври ижодкор ҳукмдорилардан бири бўлганига далил. Бобур Мирзо ҳам сиёсий рақиби ижодкор шоир, бой тажриба ва ислом дини таълимотлари борасида ҳам ўзига хос билимларга эга бўлганлигини таъкидлаб, китобида баён этган [9: 140].

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Шайбонийхонга берган таърифларидан бири унинг шоирлик истеъдодига эгалигидир. Ушбу истеъдод эса Шайбонийхон Мовароуннаҳрда дарбадарликда яшаган йиллари, ҳарбий ҳаёт, сиёсий жараёнлар ҳамда тожу тахтнинг жафоларидан зерикиб илм-фанга эътибор қилган даврда шаклланган. Ўрта Осиёнинг маданий марказларида илму маърифатнинг йирик намоёндалари билан яқиндан танишув Шайбонийхонга ўзига хос ижобий таъсир кўрсатган. Айниқса, Бухорода ҳаёт кечирган йилларида у бир қатор уламолардан илм олган. Жумладан, "Қуббат ул-ислом" ("Ислом динининг гумбази". Ислом дини таълимотининг равнақи ва тарғиботининг кенгайишида Бухоро шаҳри марказга айланган. Бухоро мадрасаларидан жуда кўп етук фиққшунос олимлар, қозилар, имомлар етишиб чиққан. Шу боисдан Бухоро IX асрдан бошлаб шу ном билан шуҳрат топган) номи билан машҳур бўлган шаҳарнинг энг яхши Қуръон ўқувчи қориларидан бўлган Мавлоно Муҳаммад Хитойи Шайбонийхонга дарс берган [10: 262].

Бухорода яшаш Шайбонийхонга келажаги учун режалар тузишига имкон бергани эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки Бухоро ҳам темурийларнинг йирик марказларидан бўлиб, мамлакатда содир бўлаётган кўплаб ҳодисаларнинг дараги келиб турарди. XV асрнинг 70-80 йилларида Мовароуннаҳрдаги

сиёсий вазият бир текис ҳолатида кўринсада, аслида бу сокинлик ортидан катта бир силкиниш рўй беришини англаш мумкин эди. Шу сабабдан ҳам Шайбонийхон темурийларнинг қўшини, ҳарбий аҳволи, аҳолининг қандай кайфиятда эканлиги ва бошқа муҳим жиҳатларни ўрганди. Ўзига керакли тарафдорларни излади. Ўз ўрнида улардан манфаатлари йўлида фойдаланишга эришди.

Мовароуннаҳр ва Хуросондаги бир қатор ҳарбий юришларда бевосита иштирок этган ва ушбу воқеаларни жонли тарзда ўзининг "Шайбонийнома" номли достонида (Достон XVI аср бошида ёзилган бўлиб, жами 76 боб, 4456 байтдан ташкил топган) баён этган тарихчи Муҳаммад Солиҳ ҳам Шайбонийхон шахсиятига бошқа манбалардан фарқли тарзда катта баҳо берган. Жумладан: "Ақлда Али каби тенгсиз ва оддийгина шоҳ эмас, замонининг валийси. У сабаб давлат осойишта, инсонлар эса фароғатда. Чунки у хонлар каби айшу ишрат мажлисларининг яқинига йўламайди. Бодахўрликни асло ўзига мойил кўрмаслик баробарида замонанинг ҳеч бир ишидан ғофил эмасдир" [11: 27], дея унинг ақлли инсон бўлганлигига таъриф берган. Шу бидан бирга "Шайбонийнома"дан яна шулар маълум бўлади-ки, Абулхайрхонга муносиб ворис бўлган ушбу инсон илмда анчайин саводи ўткир ва хотираси мустаҳкам бўлган. Ҳилмда эса замонасининг "Сонийи ҳазрати Усмон"и [11: 28] деб таърифланган. Шайбонийхон Бухорода илм билан машғул бўлган даврда Қуръони каримни тўла ёд олган ва муқаддас китобни қориларга хос тарзда чиройли қироат билан ўқиган. Тарихчи таърифлагандек: "Ул қилур бўлса қироат оғоз, чиқмас ул хайлдин асло овоз" [11: 29]. Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" достони бу даврни ўрганишда ўта муҳим манба. Сабаби, достонда афсона ва ривоятларни учратмаймиз; муаллиф ўз кўзи билан кўрган, қалами билан қоғозга туширган ҳақиқий воқеаларнинг гувоҳи бўламиз. Бироқ достонда Шайбонийхонни таърифлашда воқеаларнинг бўрттириб юборилганини ҳам кўриш мумкин. Зеро бундай таърифлаш ўрта асрларга хос ва уларнинг барча таснифлашини "ишончсиз", "асоссиз "ёки "ёлғон" дея юз ўгириш ҳам хатодир. Тарихчи холислик, аниқлик нуқтаи назаридан барча жиҳатларни эътиборга олиши ва якунда шунга мос тарзда хулоса чиқариши ўринли бўлади.

Шайбонийхон ҳарбий-сиёсий фаолияти сабаб, дастлаб Дашти Қипчоқда, кейин эса Ўрта Осиёнинг юксак тараққий топган маркази Мовароуннаҳрда ҳам бир қадар обрў-эътиборга сазовор бўлган. Туркистон ҳокими Амир Муҳаммад Мазид Тархон ўз вақтида Шайбонийхонга ҳомийлик қилди. Унинг баъзи вақтларда Муҳаммад Мазид Тархон саройида ёз ва куз ойларида меҳмон бўлиб яшагани, ундан кейин яхши таёргарлик билан илгари бобосига тегишли бўлган собиқ Дашти Қипчоқ ҳудудларига ҳужумлар уюштиргани манбада қайд этилган. Самарқандда, Амир Темур

салтанатининг пойтахтида бўлиши ва темурийлар саройида “буюк хон”нинг набираси сифатида бир қанча муддат бўлиши Шайбонийхоннинг нуфузини жиддий тарзда оширган [10: 262]. Аммо бу вақтга келиб темурий шаҳзодалар нифоқ, ўзаро қарама-қаршилик ва узоқни кўра билмаслик сабаб ўрталаридаги дипломатик алоқаларни ҳам издан чиқаргандилар.

Манбада таъкидланишича, Шайбонийхон бобосининг салтанатини тиклаш йўлида кўплаб жанглар олиб борган. Бу беъжизга эмасди. Чунки кўчманчи ўзбекларнинг азалдан эркинликка ўрганган қавмлари бўйсунишдан доимо бош тортганлар ва бу эса ҳар сафар қабилавий итоатсизликлар сабаб янги юришлар ташкил этилишининг сабаби бўлган. Шайбонийхон XV асрнинг сўнги чорагида Дашти Қипчоқда ўзи истагандек бирлашган давлатни шакллантиришга эриша олган. Мовароуннаҳр эса унинг кейинги режасида эди ва асосий иш бажарилгач, темурийлар билан тўқнашишга тўсиқ қолмайди. Манбада келтирилганидек: “Ёш шаҳзода мухолиф лашкари кўплиги ва ёронлар озлигини хаёлига ҳам келтирмади ва сира ҳам чўчимай, ҳеч бир тап тортмай, Аҳмадхон сари кураш ва урушга отланиш мақсадида жасурлик этагини ҳиммат белига маҳкам боғлаб, йўналиш юзини ўша томонга қаратди” [3: 31]. Шайбонийхонга Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларини осон эгаллашида XV асрнинг охирига келиб унга муносиб рақибларнинг қолмаслиги ҳам катта ўрин тутади. 1494 йилда Фарғона ҳокими Умаршайх Мирзо, бироз ўтиб Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад, 1495 йилда Султон Маҳмуд Мирзонинг вафот этишлари ва уларнинг ўрнини эгаллаган ёш ҳукмдорларда ҳарбий-сиёсий тажрибанинг етишмаганлиги, ҳали мустаҳкам ҳокимият туза олмаганлиги ҳамда бир-бири билан ўзаро дипломатик муносабатларни мустаҳкамлаб олмагани ҳам бош сабаблардан бўлди [12: 77]. Шайбонийхон Амир Темурнинг салтанати ерларига қўшин тортиб келган вақтда унга қарши ҳеч ким муносиб курашолмади. Тарқоқликка учраган ҳудудларни эса Дашти Қипчоқ қўшинлари яхшигина бир ҳамла билан ўзларига бўйсундирганлар.

Абулхайрхон вафоти билан унинг салтанати қулагач тахтга ворис омон қолган шаҳзодалар ҳар томонга тарқалиб, “қозоқлик”ка дучор бўлганлар. Шайбонийхон, Кўчкинчихон, Суюнтакхон (Суюнчхўжахон), Маҳмуд султон, Ҳамза султон, Маҳдий султон, Жонибек султонлар (Кўчкинчихон, Суюнтакхон (Суюнчхўжахон) – Абулхайрхоннинг ўғиллари; Маҳмуд султон – Шайбонийхоннинг иниси; Ҳамза султон ва Маҳдий султон – Абулхайрхоннинг яқин сафдошларидан бўлган Бахтиёр султоннинг ўғиллари; Жонибек султон эса Хожа Муҳаммадхоннинг ўғли, Абулхайрхоннинг набираси, Абдуллахоннинг бобоси) шундай кор-ҳолга дучор бўлсаларда ўрталаридаги биродарлик ва садоқат камарини қаттиқ ушлаганлар. Зеро иттифоқлик риштасини қўлдан бермаганликлари ҳам

уларнинг эътиборга молик жиҳатларидан бири эди. Ҳофиз Бухорий таъкидлаганидек: “Ҳусн малоҳати билан иттифоқлашиб жаҳонни олди. Ҳақиқатан (ҳам) иттифоқлик билан жаҳонни олса бўлади” [5: 101]. Улар маълум вақт саргардонликдан сўнг ҳокимиятни тиклашга қатъий киришган ва бу ишда ўз шиддатини намоён қилган Шайбонийхоннинг атрофида яна қайта бирлашганлар. Ушбу бирлашув уларнинг Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонни маишатпараст, ҳукмдорликка салоҳиятсиз темурий шаҳзодалардан тортиб олишда тўла устунликларини таъминлаган омил бўлди. Чунки Бобурнинг атрофида Мовароуннаҳрдаги темурий ворислар бирлаша олишмагани етмагандек, Хуросонда ҳали ҳокимият ва ҳукм қила олишга қодир Ҳусайн Бойқаронинг фарзандлари ҳам “бир мушт бўлиб” бирлашишни билмадилар ва ёки тўла хоҳламадилар.

Маълумки, босиб олинган давлат азал-азалдан эркин яшаган, унинг ўз қонунлари мавжуд бўлса, уни уч хил йўл билан қўлда тутиб туриш мумкин. Биринчиси – уни вайрон қилиш; иккинчиси – ўша ерга кўчиб бориб яшаш; учинчиси – фуқароларга ўз қонунлари асосида яшашга имкон бериб, уларга ўлпон (солиқ) солиш, ҳукмдорга дўстона муносабатда бўлишга ваъда берган (қасам ичган) бир неча кишига бошқарувни ишониб топшириш [1: 32]. Бу ўрта асрлар Ғарбий Европасига хос ҳолат бўлиб, уни Макиавелли китобида баён этган. Бироқ бу жараён бошқа ҳудудда ҳам амалга ошиши мумкинлигини тарих исботлаган.

Шайбонийхон Мовароуннаҳрни эгаллаш давомида ўзига бўйсунмаган баъзи бир шаҳарларда талон-тарож ва вайронакорликни амалга оширган. Жумладан, Мовароуннаҳрнинг пойтахти ва марказий шаҳри ҳисобланган Самарқандни Бобур Мирзодан тортиб олиш вақтида оддий халққа шафқат қилмаган. Яъни, Самарқандга Бухоро тарафдан юриш қилиб бораётган вақтида Аҳмад Тархон бошлиқ Дабусия қалъаси Шайбонийхонга таслим бўлишдан бош тортади. Бундан ғазабланган Шайбонийхон қаттиқ ҳужум билан Дабусияни эгаллаб, қалъада бўлган барча аҳолини қиличдан ўтказган [3: 77]. Муҳаммад Солиҳ таърифида эса: “... Кимки бор эди ўшул игримда, қирдилар борчасини бир дамда. Бир тумон халқ қирилди бори, бўлди зоҳир сифати қаҳҳори. Ким ёғиқса шаҳи Шайбонийға, ушбу кун келгусидир жониға” [11: 72-73], – шундай берилади. Шайбонийхон бу ишини Самарқандда турган Бобур ва унинг қўшинини саросимага солиш мақсадида қўллаган эди.

Шайбонийхон гарчи Дабусияни вайрон этган, Самарқанд халқини қамалда тутиб, очликда қирилишга маҳкум этсада, Ҳиротни эгаллаган даврида шаҳарга нисбатан адолатли ҳукм ўқиган. Яъни, Ҳирот ихтиёрий равишда дарвозаларини ўзбек аскарларига очгач, Шайбонийхон тантана билан темурийларнинг иккинчи пойтахти тупроғига қадам қўяди. “У энг қадимги фотиҳларга нисбатан катта бир олийжаноблик кўрсатиб, ўша

даврда фан ва санъат маркази Ҳиротни яғмо ва ғорат ҳаваскори ўзбекларнинг таҳқир этишига йўл бермади, фақат юз минг танга товон тўлатиш билан кифояланди” [13: 86].

Мовароуннаҳр ва Хуросонни бўйсундирган шайбонийлар ўз оилалари, қавм-қариндошлари билан бирга ёппасига кўчиб кела бошлаганлар. Бу эса шайбонийларнинг унумдор ўлкада янги эканликлари сабаб ўзларига таянч яратишлари учун муҳим эди. Собиқ кўчманчилар азалий ўтроқлар билан ҳар томонлама яқинлашишга киришганлар.

Шайбонийхон ўз қабиладошларини янги ерлар билан таъминлаб, уларни иккинчи даражали инсонлар ҳолига тушириб қўймади балки, барча садоқатли амакиваччалари ва энг яхши ҳарбийларига мукофот тарзида Мовароуннаҳр ва Хуросонни тақсимлаб берди. Ҳофиз Бухорий таъбири билан айтганда: “(Шайбонийхон) ҳар бир мамлакат ва ҳар бир вилоятнинг ҳукуматини иқболли султонлардан бирига ва зийраклик ҳамда сиёсатда машҳур бўлган амирлардан бирига берди” [5: 103]. Жумладан, Шоҳрухия ва унинг атрофи – Амир Ёқуб Вафодорга, Термиз – Саид Муҳаммад султонга, Қундузда – Амир Қанбар, Боғлонда – Саид Ошиқ ҳукмронлик бошлаган бўлса [5: 103], Ҳирот – Жонвафо бойга, Марв – Қўбиз Найманга, Балх – хоразмлик Султоншоҳга, Ҳисор атрофи билан баробар Маҳдий ва Ҳамза султонларга, Қундуз – Аҳмад Султонга, Тошкент – Суюнчи Хўжа хонга, Ахси – Жонибекка, Андижон – Маҳмуд шоҳ Султонга, Хоразм – Қўшчи Кўпакка, Туркистон – Кўчкинчи хонга берилди. Бухоро ва Қоракўл ноиблиги Шайбонийнинг укаси Султон Маҳмудга, у вафот қилса, тўнғич ўғли ва тахтининг вориси бўлгувчи Муҳаммад Темур Султонга тақдим этилди. Бутун мамлакатнинг жавоҳири Самарқанд билан Кеш ва Миёнкол, Аёлти билан бирликда ушбу Маҳмуд Темурнинг салтанатига берилди [13: 87].

Шайбонийхон эгалланган ҳудудларни ўз жанговар сафдошлари ва қариндошларига суюрғол (ҳукмдорнинг забт этилган ҳудудларни бошқариш ишини ўз фарзандлари, қариндош-уруғлари, биродарлари ва қабила бошлиқларига бўлиб бериши) қилиб бериш орқали бир неча йиллар давомида унга садоқат кўрсатган инсонларни шу йўл билан тақдирлашни ният қилган бўлса ажаб эмас. Хон бу иши орқали марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, шайбоний хонлар ва бекларнинг ҳукмронлигини кучайтиришни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Шайбонийхон ўн йилга яқин вақт давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонни бирлаштириш мақсадида саъйи ҳаракат олиб бориб, Амир Темур авлодлари бошқарувининг Ўрта Осиёдаги барча илдизларига тўла барҳам берган. Бу пайтга келиб Соҳибқирон яратган салтанатнинг катта қисмини авлодлари аллақачон қўлдан бой бериб бўлган эдилар. Шундай бўлсада Шайбонийхон Ўрта Осиёнинг ўша даврдаги муҳим ҳудудларини ўз қўли остига

бирлаштирди. Ҳар бир юришни салтанати ривожи учун катта эътибор билан уюштирар эди. Шу сабаб ҳам: “Сарипул жанги билан Мовароуннаҳр тахтини олган бўлса, Марвичак уруши билан бутун Хуросонни ўз тасарруфига киритди” [13: 86], дея таърифланади.

Диний билимларининг кучли ва сунний эътиқодидаги мустаҳкамлик унинг обрўси ошишига хизмат қилган. Зеро бу даврда мавқе ва ном жиҳатдан Ўрта Осиёда у билан тенглаша оладиган бошқа тождор йўқ эди. “Халифат ар-Раҳмон” (“Тангрининг ердаги халифаси”) ва “Имом аз-Замон” (“Давр имоми”) унвонлари эса 1506 йилда Ҳирот бўйсундиришдан сўнг “замонасининг соҳибқирони”ни улуғловчи сўзларга айланган. Муҳаммад Солиҳ ҳам достонида Шайбонийхонни шу ном остида сифатлаган.

Шайбонийхон илмли одам сифатида халқ дардини эшитувчи ҳам эди. Бироқ унинг юришларида халққа нисбатан адолатсизлик ва талон-тарожликлар уюштирилгани манбаларда қайд этилган. Бироқ бу ўринда ёлғиз ҳукмдорни айблаш ноўрин. Тажрибали ва узоқни кўра олувчи ҳукмдор сифатида Муҳаммад Шайбонийхон ҳам керакли вазиятларда ҳарбий хийлаларни қўллаган. Ўз ўрнида душманларини қўрқувга солиш мақсадида оддий халққа шафқатсизлик билан иш тутган ҳолатлари ҳам маълум. “Ҳукмдор раиятни ўзига бўйсундириб турмоқчи бўлса, бераҳмликда айблалашларига парво қилмаслиги керак” [1: 90]. Бу билан шундай хулосалашимиз мумкинки, катта куч ва узоқ ҳарбий юришлар билан ҳокимиятни эгаллаган Шайбонийхон темурий шаҳзодалар йўл қўйган хатоларни такрорламаслик учун ҳам ўз ҳарбий-сиёсий фаолиятининг дебочасидаёқ ҳар қандай юзага келиши мумкин бўлган вазиятга тайёр эди.

Шайбонийхон ҳам ўзидан олдин яшаган бир қанча ҳукмдорлар каби ўз даврининг кишисидир. Сиёсий шахс замонасининг воқеийлигига қараб ҳаракат қилиш ортидан келажакка номини қолдиради. Ҳукмдорларнинг ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ, айнан шу воқеалардан кейинги вазият қай даражада бўлганини, натижа ижобий бўлган ё бўлмаганини ҳам гапириш керак. Зеро тарихчи воқеага холислик билан баҳо бера олса жамият ҳам, авлодлар ҳам унинг фикрларидан ижобийлик хулоса қиладилар.

Манбалар орқали Шайбонийхон ҳаёти ва фолиятига доир қарашларни ўрганиш асосида шундай хулосалаш ўринлики, бу шахс ўз даврининг одами. Унинг юритган сиёсати эса ҳокимиятга эгалик қилиш бўлгани билан якунда марказлашган давлатни барпо эта олгани ҳам муҳим жиҳат. Ярим асрдан бери тарқоқлик ва бош-бошдоқлик сабаб инқирозга юз тутган Мовароуннаҳр ҳудудларини ягона бошқарув остида бирлаштира олганлиги учун ҳам Шайбонийхон ўз давлатининг маълум вақт барқарор яшашига эришди.

Манбаларда Шайбонийхон ҳақида берилган ҳар бир таърифга танқидий ва таҳлилий жиҳатдан ёндошиш орқали бу сиёсий шахснинг ўзига хос, балким, айнан ўзига тааллуқли тарихий портретини кўриш мумкин бўлади.

Бунинг учун эса манбалар билан ишлашда аниқлик, холислик каби хислатларни биринчи ўринга қўйиш кифоя. Зеро ватанпарварлик ҳеч вақт тарихнинг ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Макиавелли Н. Ҳукмдор. Тошкент: Davr-Press, 2018.
2. Жумабоев Ф. Б. Ўзбекистон халқлари тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
3. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод (Мамлакатларнинг эгалланиши). Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
4. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. Тошкент: Чўлпон, 1992.
5. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланома (“Шарафномаи шоҳий”). 1-жилд; Тошкент: ФАН, 1966.
6. https://saviya.uz/hayot/tarjimai-hol/muhammad-shayboniyxon-1451-1510/
7. Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд. Тошкент: ФАН, 1993.
8. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Тошкент: O‘zbekiston, 2011.
9. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. Toshkent: Yangi asr avlodi, 2015.
10. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) / масъ. муҳ. М. М. Хайруллаев. Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1999.
11. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Тошкент: Ғафур Ғулом, 1989.
12. Замонов А. Т. Ўрта аср тарихий шахслари ҳаётининг айрим номаълум саҳифалари. Тошкент: Bayoz, 2019.
13. Вамбери Ҳ. Буҳоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Тошкент: Ғафур Ғулом, 1990.